

# **I. МЕХАНИКА, МАШИНАСОЗЛИК ТЕХНОЛОГИЯСИ**

## **1. ТУРЛИ КУЧ АГРЕГАТЛИ, ҒИЛДИРАК ФОРМУЛАСИ 4x4 БЎЛГАН МОБИЛ МАШИНАЛАРНИНГ АМПЛИТУДА-ЧАСТОТА ТАВСИФИНИ ТАДҚИҚ ҚИЛИШ**

*Ш.П.Алимухамедов, Ш.И.Хикматов*

Мақолада трансмиссияни динамик моделлаштириш асосида турли куч агрегатли, ғилдирак формуласи 4x4 бўлган мобил машиналар амплитуда-частота тавсифини тадқиқ қилиш натижалари ва бундай машиналарга дизел двигателини ўрнатиш бўйича тадқиқот натижалари келтирилган.

## **2. «МУРУНТАУ» КАРЬЕРИДА ИШЛАЁТГАН МАШИНАЛАРДАГИ ГУСЕНИЦА ШАРНИРЛАРИНИНГ ЧЕГАРАВИЙ ҲОЛАТИНИ БАҲОЛАШ МЕЗОНИНИ АСОСЛАШ**

*Т.И.Аскархўжаев, И.Ш.Аблаев*

Мазкур мақолада такомиллашган техник тизимлар техник ҳолатини таъминлаш билан боғлиқ бўлган мураккаб масалалар ечишга қаратилган, йўл қурилиш машиналар мисолида тавсия этилган.

## **3. ЭПОКСИДЛИ СМОЛА ЭД-16 , ПОЛИУРЕТАН УК-1 ВА МАЛЕИН АНГИДРИДИНИНГ ТЕРМОДИНАМИК МОСЛАШУВИ**

*Х.Х.Махмудов, О.К.Касымов, О.И.Муҳаммадиев*

Мақолада ўзаро киришувчи полимер тўрларни ҳосил қилувчи икки хил табиатли полимерларнинг термодинамика нуқтаи назаридан бир-бирига мослигини аниқлаш натижалари келтирилган.

## **4. НАНО – ВА МАКРОҲОЛАТЛАР ОРАСИДАГИ ЎЛЧАМ ЧЕГАРАЛАРИНИ ГЕЙЗЕНБЕРГ ПРИНЦИПИДАН ФОЙДАЛАНИБ АНИҚЛАШ**

*А.А. Рискулов*

Қаттиқ жисмларда Гейзенберг принципини қўллаган ҳолда, нано- ва макроҳолат орасидаги ўлчам чегараларини аниқлашга ҳаракат қилинди.

Макродоначалар ўлчамларини аниқлаш учун таклифлар берилди.

## **5. АВТОМОБИЛНИНГ ҲАРАКАТИНИ MAPLE-11 ДАСТУРЛАШ ТИЛИДА МОДЕЛЛАШТИРИШДА ДВИГАТЕЛНИНГ ТАШҚИ ТЕЗЛИК ХАРАКТЕРИСТИКАСИ ИНТЕРПОЛЯЦИЯСИ**

*Э.З.Файзуллаев, Б.Х.Турсунбаев, Ш.К.Хакимов*

Мақолада автомобилнинг ҳаракатланиш жараёнини моделлаштиришда двигателнинг ташқи тезлик характеристикасини аниқ ҳисобга олишнинг усуллари келтирилган.

## **6. ҚУВВАТ КАМАЙИШИНИ ОЛДИНИ ОЛУВЧИ АВТОМАТИК ТИЗИМНИ ҚЎЛЛАШ ОРҚАЛИ ГАЗ ДВИГАТЕЛЛАР КЎРСАТКИЧЛАРИНИ ЯХШИЛАШ**

*С.М.Кадыров, А.Б.Исомухамедов*

Мақолада тоғ олди ва тоғ шароитларида газбаллонли автомобил двигатели қувватининг камайишини олдини олувчи автоматик тизимларни қўллаш ёрдамида самарали фойдаланиш соҳасини кенгайтириш масалалари кўрилган.

## **7. ЮКЛАНИШДА БЎЛГАН АВТОМОБИЛ ШИНАЛАРИНИ КУЧЛАНГАНЛИК ВА ДЕФОРМАЦИЯЛАНГАНЛИК ҲОЛАТИНИ СОНЛИ ҲИСОБЛАШ**

*А.А.Шермухамедов, А.А.Тогаев*

Мазкур мақолада I-DEAS комплекс дастури асосида 315/80R22.5 шина моделини ташқи кучланишга боғлиқ кучланиш-деформацияланган ҳолати ва шина элементларини силжиши ҳамда шинанинг ички босимини илашиш юзаси ва илашиш нуқталарининг вертикал силжишига таъсири тадқиқ этилган.

Натижалар шуни кўрсатдики, нормал юкланиш (55,8% га) ва ички босим (21,4% га) ошиши билан шинанинг кучланиши ва элементларини силжиши чизикли ошади (13% га), ички босим ошиши билан илашиш юзаси ва илашиш нуқталарининг вертикал силжиши чизикли камаяди (44% га).

## **8. ЕР ҚАЗИШ МАШИНАЛАРИНИ ИШЧИ ҚИСМЛАРИНИ ИШЛАШ ХУСУСИЯТИ ВА БИОМЕХАНИК МОДЕЛЛАШ ТИЗИМИНИ ҚЎЛЛАШ**

*Р.У.Шукуров*

Мақолада биомеханик моделлашни ер қазиш машиналарини ишчи қисмларини самарадорлигини аниқлашда қўлланиши келтирилган. Моделлар

ёрдамида турли конструктив тизимларни тадқиқоти кўрсатиб ўтилган. Конструктив тизимларни самарадорлигини аниқлаш критериялари кўрсатилган.

## **9. ЧЕГАРАЛАНГАН ШАРОИТЛАРДА АВИАСОЗЛИК ТАДҚИҚОТЛАРГА ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР**

*Кьён Кьюн Хан, До Хьюн Ким*

Авиасозлик тадқиқотлар – бу авиасозлик муаммоларини мумкин қадар ечиш мақсадида ва хавфсизлигини камайтирилмаган ҳолда қониқарли ечимларнинг танлашдан иборат тадқиқотлардир.

Фуқаролик авиацияси халқаро ташкилоти ва унга тегишли қатнашчи давлатлар стандартлар жорий қилди ва сунъий иншоотлар конструкциясига тавсиялар ишлаб чиқдилар.

Стандарт меъёрдан четга чиқадиган, авиасозлик тадқиқотлари асосида хавфсизликни камайтirmайдиган ёки самолётлар бетўхтов ишлашига кучли таъсир этмайдиган ҳолатлардаги аниқланган ҳар қандай тўсиқ ўурилиши мумкин.

Шунга қарамасдан ФАХТ га кирувчи қатнашчи давлатлар кўпчилиги “Авиасозлик тадқиқотлари” бажариладиган тадбирлар ва масштаб меъёрларини ўрнатмаганлар.

Охирги вақтларда Корея Фуқаро Авиацияси Регламенти АТларига халқаро стандарт ва меъёрлар тадқиқот доираси тўсиқларига чегаравий АТларга тегишли шароитларни аниқлади.

## **II. ТРАНСПОРТ ИНШООТЛАРИНИ ЛОЙИҲАЛАШ, ҚУРИШ ВА ФОЙДАЛАНИШ**

### **1. ТУРЛИ МАМЛАКАТЛАРНИНГ МЕЪЁРЛАРИ БЎЙИЧА МЕТАЛЛ КЎПРИКЛАРНИ ЛОЙИҲАЛАШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ**

*А.А.Ишанходжаев, Р.Р.Мамажанов*

Мақолада заводлар шароитларида тайёрланган кўприklar металл конструкциялари геометрик параметрларининг рухсат этилган оғишларини баҳолашда Япония (ИЖТ) ва Ўзбекистон (ҚМҚ 3.03.02-98) меъёрий ҳужжатларининг қарашлари таҳлил қилинган.

Бажарилган маълум маълумотлар таҳлили асосида, Ўзбекистон заводларининг техник таъминланганлигидан келиб чиқиб, ҚМҚ 3.03.02-98 нинг баъзи бандларини қайта кўриб чиқиш тавсия этилган.

### **2. ЙЎЛ ПОЙИ ГРУНТЛАРИНИНГ КЎП МАРТАЛИК ВА ҚИСҚА ВАҚТ ТАЪСИР ҚИЛУВЧИ ЮКЛАМА ОСТИДАГИ МУСТАҲКАМЛИГИ**

*А.Д. Қаюмов, Д.А.Махмудова*

Мақолада автомобиль йўли пойидаги грунтларнинг кўп марта ва қисқа вақт таъсири остидаги мустаҳкамлик кўрсаткичларини ўрганиш натижалари ёритилган. Синов натижалари жадвал кўринишида берилган ва мустаҳкамлик кўрсаткичларини аниқлашнинг математик формуллари келтирилган.

### **3. АВТОМОБИЛЬ ЙЎЛЛАРИНИНГ ТРАНСПОРТ-ФОЙДАЛАНИШ СИФАТЛАРИГА ҲАВО-ИҚЛИМ ОМИЛЛАРИНИНГ ТАЪСИРИНИ ТАДҚИҚ ҚИЛИШ**

*А.Х.Ўраков*

Ушбу мақолада автомобиль йўллари транспорт-фойдаланиш сифатларига ҳаво-иқлим омилларининг таъсири тадқиқ қилинган, йўл қопламаси устки юзаси сифатлари ўзгариши натижасида автомобиллар ҳаракат тезлигининг ўзгариши баҳоланган.

## **III. ЭКСПЛУАТАЦИЯ ТРАНСПОРТНЫХ СРЕДСТВ**

### **1. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ҲАРАКАТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ**

*Қ.Х.Азизов, И.С.Содиқов*

Мақолада Ўзбекистон Республикасида ҳаракат хавфсизлигини таъминлашни асосий йўналишларини кўрсатилган. Мақолада йўл ҳаракат хавфсизлигини таъминлашда мулкчилик шаклидан қатъий назар давлат бошқарув тизимини такомиллаштириш йўллари келтирилган. Ҳаракат хавфсизлиги “Ҳайдовчи-Автомобил-Йўл-Пиёда-Муҳит” тизими ичидаги ўзаро таъсирларни ҳисобга олган ҳолда таъминланиши керак.

### **2. ЁНИЛҒИНИ САҚЛАШ ВА АВТОМОБИЛЛАРГА ҚУЙИШДА ТОЗАЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ**

*А.Л.Барханаджян, М.З.Мусаджанов, Р.М.Хакимов,*

Сув ютувчи гель қўллаш ва мавжуд фильтр-сепараторларни такомиллаштириш ҳисобига ёнилғини яхшироқ тозалаш имконияти кўрсатилган. Шўртан Нефтегаз мажмуаси чиқиндиларидан олинган гелнинг сув ютиш қобилиятига турли параметрларнинг таъсири лаборатория шароитида тадқиқ қилинган. Дизель ёнилғисини сувдан гель ёрдамида

тозалашнинг самарадорлиги автомобил бензобаки ва ёнилғи қуйиш цистерналарида амалий синовларда тасдиқланди.

### **3. АВТОМОБИЛЛАР ТЕХНИК ЭКСПЛУАТАЦИЯСИНИНГ АСОСИЙ КЎРСАТКИЧЛАРИНИ ЎЗГАРИШ ДИНАМИКАСИ**

*В.С.Жихаревич, Б.Д.Прудовский*

Эксплуатация даврида автомобилларнинг техник кўрсаткичлари экспоненциал қонуният билан ўзгариши исботлаб берилган.

### **4. МУХИТ ОМИЛЛАРИНИ ИНСОНГА ТАЪСИРИ**

*Магомед Р.Д.*

Мақолада атроф мухитни ифлосланишини инсон саломатлигига таъсири таҳлил қилинган ва олдини олиш чораларидан бири профилактик тадбирлар ёритилган.

### **5. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛАЁТГАН АВТОМОБИЛЛАРНИНГ ТЕХНИК ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ВА ТАЪМИРЛАШ ИШ ҲАЖМИ МЕЪЁРЛАРИНИ АНИҚЛАШТИРИШ МУАММОЛАРИ**

*Мусажонов М.З., Алиходжаев А.А., Иноғомов Х.Т.*

Автомобилларга техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш меъёрлари таҳлил қилинган. Охирги пайтларда ишлаб чиқарилаётган автомобиллар бўйича бу меъёрларини мазкур автомобилларни таъмирлашга мойиллигини баҳолаш учун етарли эмаслиги кўрсатиб ўтилган. “Тошшаҳартрансхизмат” АК нинг Мерседес-Бенц автобуслари учун ТХК ва ЖТ иш ҳажми меъёрларини аниқлаш бўйича олиб борган ижобий тажрибасидан фойдаланиб, Республикамизда ишлаб чиқарилаётган автомобилларнинг сервис хизмати кўрсатиш иш ҳажми меъёрларини аниқлаштириш таклиф этилган.

### **6. ТХК ВА ЖТ МИНТАҚАЛАРИДА ЎТИШ ЙЎЛАКЛАРИНИ ЎЛЧАМЛАРИНИ АНИҚЛАШ**

*Терентьев А.В.*

Мақолада «Скания» автомобиллари тавсифлари талаби бўйича ТХК ва ЖТ минтақаларида ўтиш йўлакларининг габарит ўлчамлари аниқланган.

## **IV. УПРАВЛЕНИЕ В АВТОМОБИЛЬНО-ДОРОЖНОМ КОМПЛЕКСЕ**

### **1. ФАЗОВИЙ АХБОРОТЛАР БИЛАН ИШЛАШ УЧУН ҲАР ХИЛ АХБОРОТ ТИЗИМЛАРИНИ ҚЎЛЛАШ**

*Д.Т.Абдуқодирова, Ф.Х.Рахимова, Ж.Р.Косимов*

*Ушбу мақолада келтирилганидек, тўғридан-тўғри амалий соҳадаги атамалар, умумий геоинформатиканинг функциялари ва тушунчаларини белгилашда ишлатилади, лекин келтирилган атамалар амалиётда торроқ ва ихтисослашганроқ йўналишларда ишлатилади.*

## **V. ПРОБЛЕМЫ И СУЖДЕНИЯ**

### **1. АВТОМОБИЛСОЗЛИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРИГА ИЛМИЙ ЁНДОШИШ**

*О.В.Лебедев*

Мақолада замонавий автомобилсозликда қўлланиладиган нанотехнологиялар ёритилган. Нанотизим механикасининг танланган дастлабки моделлари берилган.